


Дунё детективи дурдоналари

# 4 ЖЕЙМС ХЭДЛИ ЧЕЙЗ

ХАЛҚАРО  
БЕСТСЕЛЛЕР

ЯРИМ МИЛЛИОН  
ДОЛЛАРЛИК  
ҚИЛМИШ



МИЛЛИОНЛАР СЕВИБ ЎҚИГАН КИТОБ

*Дунё детективи*

---

# Ч ЖЕЙМС ХЭДЛИ Ч ЕЙЗ

## Ярим миллион долларлик қилмиш

*Детектив-саргузашт роман*

Тошкент  
«Yangi kitob»  
2020



УЎК: 821.111-312.4=512.133

КБК: 84(4Ббр)

Ч 34

Ч 34 Чейз, Жеймс Хэдли.

Ярим миллион долларлик қилмиш [Матн]: детектив-саргузашт / Ж. Х. Чейз. – Тошкент: Yangi kitob, 2020. – 160 б.

ISBN 978-9943-6328-6-8

УЎК: 821.111-312.4=512.133


КБК: 84(4Ббр)

*Шов-шувли мақола ёзмоқчи бўлган журналист Гарри Барберга пора таклиф қиладилар. У рад этади ва тўхматга учраб, панжара ортига тушади. Адолатсизлик қурбонига айланган маҳбуснинг қамоқхонада дунёқарашлари ўзгариб кетади. У озодликка чиққач, иш тополмай ўғрилиқ қилишга мажбур бўлади. Натижада Барберни жиноий ҳамкорликка таклиф қиладилар. Пулга муҳтож Барбер қалтис ишга киришади. Бироқ ўзаро келишув асосидаги жиноят асносида ўлим юз беради ва воқеалар ўзгача тус олади.*

*Китобхон чинакам детектив асарларга хос саргузаштлар дунёсига шўнғийди.*

Таржимон:

**Фатхулла Намозов**



© Жеймс Хэдли Чейз,  
«Ярим миллион долларлик қилмиш».  
© «Yangi kitob», 2020.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

Мени булутли июль куни эрталабки соат саккизда қамоқхонадан озод этишди. Бу пайтда ёмғир челақдан қуйгандай ёғаётганди.

Ўзим учун узоқ муддат ҳисобланган уч ярим йил мобайнида ёпиқ бўлган дунёга қайтишим осон бўлмайди, албатта.

Мен хўмрайган темир дарвозадан анча узоқлашар эканман, тўхтадим ва мусаффо ҳаводан тўйиб нафас олиб ҳузурландим. Наҳотки озодликда бўлсам? Наҳотки бундан буён тунларни ўғри ва қотиллар орасида ўтказмасам?

Ёмғир кучайди. У тўрт йил муқаддам сотиб олган эски шляпам ва бир йил аввал харид қилинган плащчимга урилар, туманли паст булутлардан илиқ ёмғир ёғиши сира тўхтамасди.

Шундоққина ёнимга яп-янги «бьюик-сенчюри» келиб тўхтади, ҳайдовчи ойнани туширди.

- Гарри!

Жон Реникнинг шахсан ўзи менга қараб турарди.

- Қани тезда ўтир, ивиб қоласан, - деди у.

Мен қисқа фурсатли иккиланишдан сўнг машинага ўтирдим. Реник саломлашаркан, қўлимни қаттиқ сиқди. Унинг офтобда қорайган юзида мен билан учрашувдан мамнунлиги акс этиб турарди.

- Хўш, озодликда юриш қандай экан, қария?

- Ҳаммаси тобида, - жавоб бердим мен қўлимни бўшатиб. - Фақат менга полициячи назоратида уйга қайтишим кераклигини айтиб ўтирма.

Унинг юзидаги табассум сўнди. Кулранг кўзлари менга синовчан тикилди.

- Наҳотки мени келмайди деб ўйлаган бўлсанг? Ҳар бир кунни санаб юрдим, ахир.

- Ҳеч нимани ўйлаганим йўқ, - деб машинанинг ишлов берилган жиҳозларига кўз қиримни ташладим мен. - Бу сеникимми?

– Меники, яқинда сотиб олдим. Бежирим, шундай эмасми?

– Демак, Палм-сити полициячилари ҳозиргача хашамат ичида сузаётган эканлар-да?

У менга ранжиганнамо нигоҳ ташлади:

– Агар бошқа одам шундай деганида борми, нақ тумшуғига туширардим.

Мен елкамни қисдим:

– Агар сенга ёқса, эътирозим йўқ. Мен фиръавнларнинг тиш синдиришига ўрганиб қолганман.

У жавоб беришидан олдин чуқур хўрсинди:

– Полиция бошқармасидан кетганимга икки йилдан ошди. Энди ҳудуд прокурори ёрдамчисиман. Алоҳида муҳим топшириқлар бўйича терговчиман.

Миямга қон тепгандай бўлди.

– Тушунаман... кечирасан... мен билганим йўқ.

– Сен қаердан ҳам билардинг? – деб жилмайди Реник ва рулни кескин буриб, машинани ҳайдади. – Бу вақт ичида кўп нарса ўзгарди. Энди олдинги тўда йўқ. Ҳудудимиз прокурори янги одам, зўр йигит.

Мен жим қолдим.

– Режаларинг қандай? – сўради Жон.

– Режам йўқ. Қараб кўраман. Мени «Геральд»дан хайдаб юборишганидан хабаринг борми?..

– Эшитганман. Бошида сенга қийин бўлади. Буни тушунасанми?

– Бўлмасам-чи! Полициячи ўлдирилганида, гарчи бу бахтсиз ҳодиса бўлса ҳам, уни унутиб юборишга қўйишмайди.

– Полиция борасида ташвишланмай қўя қол, аммо қайта бошдан мавқеингни кўтаришга тўғри келади. Кубитнинг таъсир кучи катта, у сенинг газетада иш-лашингга халал бериш учун бор имкониятини ишга солади.

– Бу муаммоларни ўзим кўриб чиқишим керак.

– Қария, ахир мен сенга ёрдам бермоқчиман...

– Менга ёрдамнинг кераги йўқ...

Узоқ жимлик чўкди. Жон фикрларини бир нуқтага

жамлади – ойнадан кўзини узмади. Ниҳоят у шундай деди:

– Қулоқ сол, Гарри, биз анчадан буён бир-биримизни биламиз. Тўғри, сенинг бошингдан кўп кўргиликлар ўтди, аммо мени душман ўрнида кўрма. Мен Мидоуз билан гаплашиб кўраман, у худудимизнинг янги прокурори. Сени бошқармага ишга жойлаштиришига умид қилса бўлади.

Мен Жонга қараб қолдим. Кейин оҳиста дедим:

– Мен оч қолиб ўлган тақдиримда ҳам Палм-Сити маъмуриятида ишламоқчи эмасман.

– Нина ниҳоятда оғир кунларни бошдан ўтказди, – хижолатли тарзда сўзлади Реник. – У...

– Менга ҳам осон бўлгани йўқ. Аммо ёрдамга муҳтож эмасман. Умуман, бу гапга нуқта қўямиз.

Жон ноилож жилмайди:

– Ҳаммасини тушунаман. Мен ҳам эҳтимол ўзимни шундай тутган бўлардим. Аммо нимаики рўй берган бўлса, ҳаммаси ўтиб кетди. Сен келажагинг ва Нинанинг истиқболи ҳақида ўйлашингга тўғри келади.

– Сенингча, бу уч йил ичида мен бошқа нималар тўғрисида ўйлаган бўлишим мумкин? – шундай деб юзимни ўгириб, ёмғирдан қорайган тўлқинқайтаргичларга урилаётган томчилар ва денгизга қарадим. – Менинг қай даражада анқовлигимни англашим учун вақт етарли бўлди. Полиция бошлиғи шовқин кўтармаслигим эвазига менга бермоқчи бўлган ўн минг долларни олишим керак эди. Ана шунақа, қамоқхонада анча ақлли бўлиб қолдим. Энди ҳеч ким мени ландавур деб ўйламайди.

– Ақлдан озибсан, – хайратга тушиб хитоб қилди Реник. – Сен ахир тўғри иш қилганингни биласан-ку! Агар ўшанда пулни олганингда виждонинг қийналган бўларди.

– Сен шундай деб ўйлайсанми? Бир камерада уч йил одам ўлдирган қотил билан ўтириш, қилиқларидан ҳатто чўчқалар ҳам даҳшатга тушган қотил билан ҳамхона бўлиш изсиз кетмайди. Агар мен алал

оқибат пулни олганимда, ҳозир яшаш учун ризқ-на-сибамни ўйлаб ўтирмаган бўлардим.

Реник қовоғини ўйди.

– Қизишма, Гарри, Худо ҳаққи, ўзингни қўлга ол. Нина билан гаплашаётганимда жуда эҳтиёт бўл.

– Сен ўз ишинг билан шуғуллансанг-чи, – дедим жаҳлим чиқиб. – Нина ҳали хотиним. У мени қандай бўлсам, шундайлигимча қабул қилади. Нина борасида ўзим қайғуришимга қўйиб бер.

– Гарри, сен унинг нафақат судда қатнашиши, балки турмага бориб туриши, ҳатто хат ёзишини ман этиб нотўғри қилгансан. Нина сен билан кўнгилсизликни бўлишишни истаган, аммо сен худди у бегона одамдек, бунга йўл қўймагансан.

– Мен қандай иш тутганимни яхши биламан. Уни суд залида суратга туширишлари, хатларини қамоқхона цензураси тит-питини чиқариб текширишини истамасдим. Майли, мен лақма, овсар эканман, лекин у нима сабабдан буларнинг барчасига сабр-тоқат билан чидаши керак эди?

Мен Реникка қарамасликка уриниб қўлларимни мушт қилдим.

– Барибир, ноҳақсан, Гарри. Наҳотки шуни ҳам билмасанг, Нина сенинг ёнингда бўлмоқчи эди, – деди Реник. – Мен уни ўзим билан бирга бормасликка зўрға кўндирдим.

Биз Палм-Ситининг энг аслзодалар яшайдиган қисми – Палм-Бейдан ўтиб борардик. Пляждаги чўмилишга мўлжалланган шинам уйчалар кўкимтир ёмғир остида маъюс тортган. Муҳташам меҳмонхоналар ёнида кадиллаклар, роллс-ройслар ивиб турарди.

Ўз вақтида мен Палм-Бейда истиқомат қилардим. Ўшанда, Калифорниядаги энг оммабоп газеталардан бири «Геральд»нинг етакчи репортёри бўлганимдан бери бутун бошли чексиз муддат ўтиб кетгандай туюлди, назаримда. Менинг мақолаларим турли майда-чуйда журналларда босиларди. Яхшигина ҳақ олардим ва ишимга меҳрим зўр эди.

Нинага уйланиб, Палм-Бейдан унга узоқ бўлмаган жойдан мўъжазгина кулба сотиб олдим. Ишларим жойида, ўзим ҳаётдан лаззатланиб яшардим. Аммо бир куни меҳмонхона барида ичиб олган икки нота-нишнинг меъёрдан ортиқ баланд овозда гапираётгани беихтиёр қулоғимга чалинди.

Улар айтган бир нечта сўз мени хатарли кўчага суриб чиқарди.

Икки ой давом этган махфий ва синчковликни талаб қиладиган суриштирувлар натижасида жуда кўп маълумотни билиб олдим. О, ҳақиқий шов-шувли воқеа бўлиши мумкин эди бу. «Геральд»нинг бош мақолалари бир неча ой шу мавзуда роса ҳайқириши мумкин эди.

Чикаголик гангстерлар Палм-Ситини забт этишга ҳозирланаётганди. Улар шаҳарда қиморхона, кабаре, фоҳишахона очмоқчи эдилар. Энг кам ҳисоб-китоб қилинганда ҳам ҳар бир ой гангстерларга бир миллиондан доллар келтириши мумкин.

Мен ҳаммасини обдон ўйлаб, даставвал уларни шарманда қилишни ўйладим.

Аммо бу каллакесарларнинг шунчаки келиб, шаҳарни эгаллаб олишларига ҳеч ким ишонмасди. Мен аста-секин Палм-Сити полиция комиссари ҳамда маъмуриятдаги йирик амалдорлардан бир гуруҳи сотиб олингани ҳамда гангстерларга тегишли ёрдам кўрсатишга рози бўлганларидан гувоҳлик берувчи маълумотларни ҳам топа олдим.

Тергов, суриштирув ишларини ёлғиз ўзим ўтказишга уриниб, жуда катта хатога йўл қўйдим. Етарли далилларни тўпламагунча барчасини махфий сақламоқчи бўлдим. Ана шундан сўнг мақола ёзиш ва уни «Геральд» газетасининг соҳиби ва менинг хўжайиним Жон М.Кубитга топшириш мумкин бўлади, деб ҳисобладим. Шов-шувли мақоланинг муаллифи бўлмоқчи эдим мен.

Ниҳоят хўжайинга барчаси ҳақида батафсил сўзлаб бердим. У гапларимни этиборсизлик билан тинг-

лади, кейин эса далилларни текшириб кўриши лозимлигини айтди. Хўжайиннинг ғалати тарздаги бефарқлиги мени сергак торттириши керак эди. Мен бу ишга ниҳоятда ҳафсала билан киришган, кўпгина кишиларни гапиртиришга мажбур қилган, аммо энг асосий босқичга етиб бормагандим: гангстерлар «Геральд»нинг хўжайинини ҳам сотиб олишган экан. Бундай фикр мутлақо калламга келмаганди. Агар ҳамкорлик қилса, гангстерлар Кубитга сенатдан жой олиб беришни ваъда қилишган экан, ҳа, йирик ҳажмдаги пора ундаги виждон азоби билан келишиб кетишга имкон беради.

Кубит мендан тўплаган барча маълумотларимни олиб келишимни сўради. Уйимдан ҳужжатларни олиб қайтаётганимда йўлда полиция машинаси тўхтатди.

Мени полиция бошлиғи кўрмоқчи экан. Бошқармада ўтказилган суҳбатни мен анча вақтгача эслаб юрдим.

Полиция бошлиғи дангал одам экан, у тазйиқ қилиб ўтирмади. Стол устига шалдираб турган янги ўн минг доллар пулни қўйди. Бу ўша маълумотлар тўплами учун бўлиб, мен барчасини унутишим керак эди.

Мен ҳеч қачон пора олишга одатланмаган, қолаверса, бу ишни полиция бошқармасида қўллаш ҳам етти ухлаб тушимга кирмаган эди. Боз устига мазкур маълумотни газета саҳифаларига босиб чиқариш туфайли ажойиб обрў-эътиборга эга бўлиш мумкин. Мен ўрнимдан туриб, тўғридан-тўғри нохушликлар исканжасига тушиб қолдим.

Ҳужжатлар тўпламини Кубитга топширар эканман, унга пора тўғрисида ҳам гапириб бердим. Хўжайин менга ғалати қараб, бош ирғаб қўйди ва уйига кеч соат ўн яримда боришимни тайинлади. Бу вақтгача далиллар билан танишиши ва шундан сўнг нима қилиш кераклигини ўйлашини айтди. Назаримда, Кубит ҳужжатларни ёқиб юборган. Ҳар ҳолда мен уларни бошқа кўрмадим.

Нинанинг нохушликни олдиндан сезиш қобилияти

бор, аммо у бу иш мавқеимни кўтариб юбориши, шундай имкониятни қўлдан чиқармаслигим кераклигини яхши англади.

Мен уйдан соат ўнларга яқин чиқдим. Нина жуда-ям қўрқди, унинг ҳаяжони менга ҳам ўтди, аммо хўжайинга ниҳоятда ишонардим.

Кубитнинг қароргоҳи Палм-Бейда жойлашган. У ёққа фақат саҳро орқали ўтадиган йўлдан бориш мумкин. Айнан ўша ерда мени кулфат кутиб турарди.

Катта тезликда кетаётган полиция машинаси менинг машинамни йўлдан туртиб чиқариб юбормоқчи бўлди. Улар машинани денгизга қулатишга уринганликлари кўриниб турарди. Аммо бундай бўлмади. «Полиция» деб ёзилган машина биқинимдан келиб туртди. Рулда ўтирган полициячи бошини уриб олди. Автомобиллар тўқнашуви туфайли у вафот этди. Бошқаси омон қолди. У мени ўша заҳоти йўл ҳаракати қоидаларини ўта қўпол равишда бузганлик айби билан ҳибсга олди. Бу тухмат, бироқ мен нима ҳам қила олардим? Шу заҳоти бошқа полиция машинаси етиб келди, уни сержант Бейли бошқараётганди. Аммо бирор киши вақт топиб, ўша одам аввал умуман юрмаган катта йўлда нима қилиб юргани билан қизиқиб кўрмади.

Сержант Бейли жиловни дарҳол ўз қўлига олди. Жароҳатланган полициячини шу заҳоти госпиталга жўнатди, мени эса полиция участкасига олиб кетди.

Йўлда Бейли тўсатдан тўхташга буйруқ берди. Атрофда бирорта ҳам тирик жон йўқ. Мени машинадан тушириб, қўлимни орқага қайиришди, сўнг Бейли машинадан бир шиша шотланд вискисини олиб, куч билан оғзимга қуйиб юборди. Кейин эса тўппонча дастаси билан бошимга қаттиқ урди...

Мен камерада ҳушимга келдим. Шунда бирдан тамом бўлганимни англадим. Менга қотиллик қилишга уринганлик айбини тақашди. Уч ярим йилга кесилдим. Адвокатим шер каби роса ёқалашиб кўрди, аммо барча уринишлари беҳуда кетди. У чикаголик ганг-

стерлар тўғрисида ҳикоя қилишга уринганида, шунчаки кулиб қўя қолдилар, холос. Кубит эса қасам ичиб, ҳужжатлар тўплами тўғрисида ҳеч нимани билмаслиги, ўша куни мени мутлақо кўрмагани, аммо «анча вақтдан бери самарасиз ходим ва яширинча ароқ ичадиган бу одамни ишдан бўшатмоқчи бўлиб юрган»лигини айтди.

Хуллас, қамоқхонадаги уч ярим йиллик муддат давомида мен ўзимнинг маъмурият билан яккама-якка курашга аҳд қилган нақадар лақма одам эканлигимга амин бўлдим.

Менга, ҳатто полиция бошлиғининг истеъфога чиққани ҳам ёрдам бера олмади. Сабаби, бу иш жамоатчилик орасида гап-сўзларни келтириб чиқарганди. Адвокатимнинг ташаббуси билан тергов бошланди. Чикаго гангстерлари қаёққадир ғойиб бўлишди, маъмурият эса нохуш кунларни бошидан ўтказди.

Ва, мана, ниҳоят – озодлик. Кубит мени қора рўйхатга тиркаган, бу эса энди менинг газетада асло ишлай олмаслигимни билдиради. Аввалги мавқеимни тиклашим зарур, аммо бунинг учун нима кераклиги ҳақида зиғирча ҳам тасаввурга эга эмасман. Мен ҳаммадан кўп ишлар, шу билан бирга кўп сарф-харажат ҳам қилардим. Ҳатто Нинанинг ҳам пули қолмаган. Унинг қандай яшагани, нима ишлар қилаётгани мени ташвишлантиради, аммо шу даражада аҳмоқ эканманки, адвокат орқали айттириб, менга хат ёзишни ҳам тақиқладим. Бақалоқ жаллод, турма назоратчиси унинг хатини олиб ўқийди, деган фикр мени даҳшатга соларди.

Реникдан сўрадим:

– У менсиз қандай қилиб яшади?

– Аҳволи ёмон эмас, – жавоб берди Жон, – унинг мусаввирлик қобилияти борлиги маълум бўлди. Кулчилик ишлари билан шуғулланади, яхшигина ҳақ олади.

«Бьюик» мен турадиган уй кўчасига қараб бурилди. Мен кулбамни кўрганим заҳоти томоғимга нима-

дир тиқилгандай бўлди. Реник дарвоза олдида машинани тўхтатди.

– Мен кейинроқ кирарман, – деди у қўлимни сиқиб. – Сенинг омадинг келган, Гарри. Мени ҳам Нина каби хотин кутишини жуда истардим.

Мен Реникка қарамасликка ҳаракат қилиб, машинадан тушдим ва таниш йўлак бўйлаб юриб кетдим.

Кириш эшиги очилди. Остонада Нина кўринди...

Орадан бир ҳафта ўтди. Бир куни эрта тонгда, соат олтиларда мен худди туртки егандай тўсатдан уйғониб кетдим. Қамоқхонани туш кўргандим, ўзининг ётоғимда Нина билан эканимни даставвал тасаввур қила олмадим.

Шифтга қараб ётар эканман, худди шу етти кун давомида қандай фикр юритган бўлсам, айнан шу тарзда энди қандай яшаймиз, деб мулоҳаза юритардим.

Ёнимда ётган Нинага қарайман. У билан қамоққа тушишимдан икки йил муқаддам турмуш қурган эдик. Ўшанда Нина йигирма иккида, мен эса йигирма етти ёшда эдим.

Нина чиройли эмас, аммо мен доимо уни жуда мафтункор аёл деб ҳисоблайман, ҳозир ҳам шу фикрдаман. Мен бундайларни илгари кўрмаган эдим. Ҳозир унга қараб туриб, қанчалик қийин бўлганини англадим, мени турмага жўнатишларидан аввал бу машаққатлар йўқ эди. Нина энди жуда ҳорғин ва ғамғуссага чўмгандек кўринади, илгари эса тушида ҳам худди хушбахт боладай ҳамиша жилмайиб ётарди.

У сайёҳларга майда-чуйда ясаб берадиган кишига ёрдамчи бўлгунга қадар ўзини бир неча касбда сиқиб кўрди. Уста бу безакларнинг дастлабки намунасини яратар, Нина уларни бўярди. Ҳафтасига эллик доллар олар, ўзининг айтишича, бу мен бирор ишга жойлашимга қадар иккимизнинг турмуш кечиришимизга етарди.

Банкда менинг икки юз долларим қолган. Агар улар иш топгунимча тугаса, йўлкира, сигарета ва бошқа майда-чуйдаларга Нинадан пул сўрашга тўғри

келади, бу эса худбин киши учун хаддан зиёд нохуш ҳолат.

Кеча, тўла-тўкис равишда умидсизлик ичида вақтинчалик ишга ёлланмоқчи бўлдим. Ҳатто бўш жойлари бўлган кишилар ҳам менга иш беришни хоҳламадилар.

– Жаноб Борбер, сиз ҳазиллашяпсиз, – дейишарди улар. – Бу иш сизга тўғри келмайди.

Мен эса, ҳар қандай ишга тайёрман, дея олмасдим.

– Нимани ўйлаяпсан, Гарри? – сўради Нина мен томонга ўгирилиб.

– Ҳеч нимани... шунчаки.

– Безовта бўлишнинг ҳожати йўқ, азизим. Биз бир амаллаймиз. Ахир эллик доллар ҳисобига ҳам бир ҳафта яхши яшаш мумкин. Оч қолмаймиз. Сабр қилгин, сен албатта яхши иш топасан.

– Мен яхши иш топгунимча сенинг ҳисобингдан яшаб тураман. Ажойиб. Сенга жуда қойилман.

У қаддини ростлаб, ташвиш ичида менга тикилди.

– Биз эр-хотинмиз, ахир. Сен иш топган куни мен истеъфога чиқаман. Ҳозирча эса иккимиз учун ишлайман. Биз ҳамкорлик қиламиз, деб ҳисоблагин.

– Раҳмат.

– Гарри, мен жудаям хавотирдаман, сен шунчалик ўзгаргансанки... Қандайдир қаҳри қаттиқ ва... ҳатто золим бўлиб бораётгандайсан. Ўтмишни унутишга ҳаракат қил. Биз ахир биргамиз-ку, сен...

– Биладан, – мен тўшакдан турдим. – Мен қаҳри қаттиқ ҳам, золим ҳам бўлганим йўқ. Фақат ўзимга раҳмим келмайди.

Кейинги ўн кун давомида шаҳар бўйлаб тентирадим – гўё иш ахтаргандек бўлдим. Аслида эса виждонни поклаш учун икки-уч жойга кирман, рад жавобини эшитгач, яқиндаги барга йўл оламан.

Мен илгари ўзимни тиярдим, энди эса лаззатланиб ичаман. Йўқ, виски шунчаки дардни аритмайди, балки тўхтовсиз ичишга ундайди. Мен, афтидан, ичкиликбозга айланиб бораётгандим. Беш-олти қадахдан

сўнг лоқайд бўлиб қолардим, иш борми, йўқми, барчасига тупурардим. Уйга қайтгач, Нина ўзининг майда-чуйда безакларини жиҳозлаш учун тиним билмай тер тўкаётганини кўриб, виждоним зиғирча ҳам қийналмасди.

Ўрганиб қолиб, ҳатто алдаш ҳам жуда осон, деган хулосага келдим.

– Бугун эрталаб бир йигит билан гаплашдим. Назаримда, бизнинг аҳволимиз ўнгланиб кетади, – деб Нинани алдадим мен. – У ўзининг меҳмонхонаси тўғрисида туркум мақолалар ёзиш учун буюртма берди. Агар келиша олсак, ҳафтада уч юз долларга эга бўламан.

Аммо кўп ўтмай Нина менинг ўйлаб топган сафсаталаримга ишонмаётганини англаб етдим. Аммо у «гапларингга ишонаман», деб оёқ тираб олди ва бу хатоси эди. Агар Нина кўзларини менга тикиб ёлғончи деб айтганида, эҳтимол, бу васвасали уйқудан уйғонмаган бўлардим, аммо у сукут сақлашда давом этди, мен эса ичиш ва алдашни канда қилмадим.

Бар кичкина, сокин ва одамлардан холи. Бу менга ёқади. Бир бурчакда пляжга хотиржам тикилиб ўтириб, завқли ҳаётни кузатишим мумкин.

Мен беш кун давомида барнинг кунда-шунда аъзосига айландим. Бармен – тўладан келган, тепакал киши ҳам мени таниб қолган. У вискига ўта берилганимни англаб етган. Мен бир қадах ичиб бўлар-бўлмас дарҳол кейингисини қуяди.

Барда маст кишилар унчалик кўп эмас. Вақт-вақти билан кимдир киради, виски ичиб, бир неча дақиқадан сўнг кетади. Бу мижозларнинг айримлари менга ўхшайди – пулсиз, ёлғиз, вақтини бир амаллаб ўтказадиган кишилар.

Бурчакда, мен ўтирган столдан бироз нарида телефон будкаси бор. Унга ҳамиша одамлар кириб туришади. Будка – бардаги энг серҳаракат жой.

Мен нима қиларимни билмай будкани кузата бошладим, бу мулоҳаза юритиш учун озуқа берар эди

гүе. Хатто нима учун одамлар кўнғироқ қилишади, нега, ким билан нималар тўғрисида гапиришларини англашга ҳаракат қилиб кўрдим. Улардан айримлари жилмаяр, бошқалари дарғазаб бўлар, учинчилари эса жўрттага бемалол туриб, алдаётганга ўхшаб туюларди менга. Эҳтимол, мен ҳам ёлғон гапираётган пайтимда афт-ангорим шундай қиёфага кирса керак.

Бармен менга тўққизинчи қадахни келтириб стол устига қўйди. Сўнг олдимдан кетмади, бу энди ҳисобкитоб қилиш вақти етганини англатар эди. Мен барменга охириги ўн долларни чўздим. У мени тушунгандек мийиғида кулиб қўйди-да, қайтимини узатди. Барменнинг табассуми мени умидсиз ичкиликбоз сифатида кўрганини англатарди. Шу боис башарасига чунонам туширгим келдики, аммо қайтимини олиб, чойчақа санагунимча, у ёнимдан узоқлашиб кетди.

Бармен кимларга спиртли ичимлик сотиш кераклигини жуда яхши билади, деб ўйладим мен ва бирдан юзим уятдан қизариб кетганини сездим. Дарҳол кўчага чиқиб, ўзимни биринчи учраган машинанинг тагига ташлагим келди, аммо ҳаётни бу тарзда тугатиш қатъиятни талаб қилар, мен эса бор қатъиятимни 114-камерага қолдириб чиққан эдим. Менда фақат барда ўтириш ва ҳушимни йўқотиш даражасида ичиш хоҳиши қолган, холос. Бу ҳам бир нави.

Шу пайт барга бир аёл кирди ва телефон будкасига қараб йўл олди. У танасига ёпишиб турадиган очиқ сариқ рангдаги свитер ва оқ жинсида эди. Кўзини қора кўзойнак қоплаган.

Аёл ўзининг қомати билан эътиборни тортди, у хатто маст бўлиб қолган ва савлатли, ҳурматга сазовор кишиларнинг диққатини ҳам ўзига жалб этарди. Мен сархуш эдим, на савлатим, на обрўйим бор ва аёл кабинага кирганида асло тап тортмай, кўзимни катта-катта очган кўйи унинг юзига қарадим.

Жувон ўттиз ёшларда, сап-сариқ сочли, юзида хиёл беҳаловатлик сезилса ҳам, умуман, жуда-жуда мафтункор.

Мен виски хўплаб, уни кузата бошладим. Аёлнинг кўзидаги ифодани кўришга кўзойнаги халақит берарди, аммо бурро-бурро ва қатъият билан гапиришини ҳис қилиш мумкин. У будкада бор-йўғи уч дақиқа турди, сўнг қайтиб чиқди ва менга заррача эътибор бермасдан ёнимдан ўтиб кетди.

Бу аёл ким бўлиши мумкин? Сўнгги урфда кийинган, кийимлари ҳам қимматбаҳо. Сумкачасини арзон матоҳлар дўконидан сотиб ололмайсан.

Жуда нозик сариқ ва оқ ранг аралашган сумкача.

Нотаниш аёл будкага сумкача билан кирди ва у ердан...

Мен вискини охиригача симириб, қалтираётган қўлим билан сигарета чекдим. Йўқ, аёл будкадан чиққанида кўлида сумкача бўлгани аниқ. Тўсатдан бу сумкача ўй-хаёлларимни бир жойга жамлашга ёрдам берди.

Мен ўрнимдан вазмин қўзғалиб, эринганча будка томон йўл олдим. Пол устида турган сумкача дарров кўзга ташланди. Хўш, сен итвачча, дедим ўз-ўзимга, эс-ҳушинг жойида, ҳамма нарсанг бор. Шунинг учун ичса арзийди...

Энди сумкани очиб қараб, ичида нима борлигини билиш керак. Сўнгра барменга нотаниш аёл сумкасини будкага қолдирганини айтиш зарур, албатта айтасан, акс ҳолда қўлингга аёллар сумкасини кўтариб чиқсанг, кўчада полиция ушлаб олади. Ундан кўра барменга бу сумкани манзили бўйича элтиб беришни айтасан, балки сумка соҳибаси шунчаки ўпичдан кўра, сени яхшироқ арзирли совға билан мукофотлар.

Кўряпсизми, мен яхшигина сархуш эдим. Ён-атрофга қараб, ортимдан ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, будкага кирдим.

Автоматдан телефон гўшагини олдим-у, худди қўнғироқ қилаётганга ўхшаб, сумкадаги нарсаларни кўздан кечира бошладим. Оҳо! Тилла ёндиргич ва тилла портсигар. Бриллиант зиракларнинг ўзи

ўн беш минг туради. Ҳайдовчилик гувоҳномаси. Яна эса... О, Худоё, пешанамдан тер чиқиб кетди – бир тахлам пул! Портсигар, ёндиргич, зираклар асло қизиқтиргани йўқ, аммо қалин пул тахлами мени бутунлай ўзига тортганини англаб қолдим.

Қўлимни шундоқ узатсам, ҳар куни Нинадан майда-чуйда харажатлар учун беш доллар сўрашдан буткул халос бўламан. Бу пулларни сарфлаб бўлгунимча иш ҳам топаман. Ҳатто уни кечаю кундуз ичсам ҳам бемалол етиб ортади.

Агар бу бадавлат аёл шунчаки таъминланган, пулини ҳар қаерда йўқотиб юрадиган бўлса, олишга арзийди, албатта.

Ақл-идрок овоз бергандек бўлди: «Сен, нима, эсингни еб қўйдингми? Ахир бу ўғрилик-ку! Агар сени ушлаб олишса, ўтмишинг билан ҳисоблашиб, ўн йилга кесиб юборишади! Жин ургур сумкачани жойига қўйгин-у, бу ердан тезда жўнаб қол!» Аммо бу овоз жуда-жуда заиф эди. Менга пул керак. Мана улар...

Мен пулни олиб, чўнтагимга тикдим ва сумкани ёпдим. Юрагим ҳаддан зиёд қаттиқ урарди: мен ўғри эканлигимни англаган эдим.

Телефон устида мўъжазгина ойна бўлиб, унда қандайдир ҳаракат акс этди. Мен бурилиб, ойнаванд эшикка қарадим – сумканинг эгаси, ўша аёл мени кузатиб турарди.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

Мен бирдан ҳушёр тортдим. Ҳозир аёл барменни чақиради, у эса пулни чўнтагимдан топади ва полициячини чорлайди. Полициячилар келиб, мени ўлгунча калтаклайдилар, кейин эса қамоқхонага жўнатишади.

Аёлнинг бармоқлари ойнага енгилгина уриларди. Мен сумкачани токчага қўйиб, бурилдим ва эшикни очдим. Аёл четланиб, менга йўл берди.

– Назаримда, мен бу ерда сумкачамни қолдирганга ўхшайман, – деди у.

Ҳа, – дедим шоша-пиша, – мен уни берменга бермоқчи бўлиб тургандим.

Балки йўқолган нарсани олиб, бирдан кўчага отилиб чиқишим керакмиди? Бардан чиқиб, пулни ташлаб юборилса, ҳеч қандай из қолмайди.

Мен бу ишларни бажаришга энди киришаман деганимда, бармен йўлимни тўсиб, хонимдан қатъий равишда сўради:

– Бу йигит сизга шилқимлик қиляптими?

Аёл оҳиста мен томонга бошини бурди. Назаримда, у ҳар қандай шароитда ўзини хотиржам тута оларди.

– Йўқ, нималар деяпсиз? Мен бу ерда шунчаки сумкачамни унутиб қолдиргандим. Бу жентльмен уни олиб, сизга бермоқчи экан...

Бармен менга шубҳали тарзда кўз қирини ташлади.

– Майли, шундай бўла қолсин, аммо барибир текшириб кўриш керак, ҳамма нарса жойидамикан ўзи?

– Ҳа, майли, мен текшириб кўраман, – аёлнинг овози тиниқ ва совуққон эди.

«Мана, ҳаммаси тамом, – деб ўйладим мен, – ярим соатдан сўнг мени полиция идорасига олиб боришди».

Нотаниш аёл сумкасини кўздан кечирар экан, бармен оғир-оғир нафас олганча уни кузатиб турарди.


– Ҳаммаси жойида, – аёл менга миннатдор бўлгандек қараб кўйди. – Раҳмат, ғамхўрлигингиз учун. Қарангки, мен нарсаларга анча бепарвоман.

Қулоқларимга ишонмасдим.

– Демак, ҳаммаси жойида, леди? – сўради бармен.

– Ҳа, миннатдорман. Буни бир нишонлаш керак, деб ўйлайман. Жаноб Барбер, мен сизни зиёфатга таклиф қиламан.

Шундай қилиб, у менинг кимлигимни билиб олди. Бунга ҳайрон бўлмадим – чунки мени қўйиб юборишган куни «Геральд» газетасида фотосуратим билан бирга жиноят қилганим сабабли уч ярим йил давомида қамоқда ўтирганим ҳақида хабар босилган



эди. Фотосурат сифатли ишланган, устига-уштак биринчи саҳифада чоп этилганди. Хабар ҳам ажойиб ёзилган – гўё жиноят маст ҳолда амалга ошганлиги кўрсатилган эди. Кубитнинг ётган одамни тепкилагани эди бу.

Ичишга таклиф шунчалик қатъий тарзда жарангладики, мен яхшиси, унга бўйсунганини хавфсиз, деб тушундим.

Аёл менинг столига ўтирди ва барменга:

– Иккита коктейл, муз билан, – деб буюрди.

Мен унинг қаршисидан жой олдим. Аёл сумкачасини очиб, тилла портсигарини олди ва менга сигарета таклиф қилди. Биз чекишдик. Шу муддат ичида бармен коктейл келтирди.

Аёл қадаҳни кўтариб, уни чироқ ёруғида кўра бошлади.

– Жаноб Барбер, сизнинг бу ерга ташриф буюришингиз ҳали ҳам иш тополмай юрганингиздан дарак берадими?

– Сиз ҳақсиз, – кулимсирадим мен. Афтидан бу аёл мен тўғримда ҳаммасини биладиганга ўхшайди.

– Яқин орада ишга жойлаша оласизми ўзи?

– Бу анча қийин...

– Сизни бир иш қизиқтириб қолса керак?

Мен қадаҳни кўтариб, оғзимга яқин олиб бордим, аммо ўйланиб қолдим – бугун меъеридан ортиқроқ ичган эдим.

– Бу қандай иш бўлишига боғлиқ, – дедим озгина қолган иззат-нафсимни мумкин қадар асрашга уришиб.

– Биз яхшироқ тўлаймиз. Аммо бу иш... айрим қалтис жиҳатларга эга, шуни ҳисобга олинг. Бу сизни чўчитмайдими?

– Сиз қонундан ташқари иш демоқчимисиз?

– О, йўқ, бу иш мутлақо ошкора... Сиз ўйлаган иш эмас.

– Мен ҳеч нимани ўйлаганим йўқ. Ҳар қандай ишни бажаришга тайёрман. Аммо мен билишим керак.

– Жаноб Барбер, – деб гапимни бўлди аёл, – нахотки бу ер муҳим ишларни муҳокама қиладиган маскан бўлса? Балки мен сизга қўнғироқ қиларман ва бошқа жойда гаплашиб олармиз.

– Майли, розиман.

– Эртага... сиз уйда бўласизми?

– Ҳа.

– Яхши, мен тўлайман, – аёл сумкачасини очди ва ҳайрон бўлгандек қовоқларини кўтарди. – О, мен унутиб қолдирибман.

Мен чўнтагимдан пул тахламини чиқариб, унинг тиззасига ташладим:

– Мен эса унутганим йўқ.

– Миннатдорман, – аёл аввал эллик, сўнг яна беш доллар олди-ю, қолган пулни сумкасига солиб, ўрнидан турди.

– Эртагача хайр, жаноб Барбер, – у бардан чиқиб кетди.

Мен аёлнинг малла «Роллс-ройс»га ўтирганини кузатиб турардим. Унинг рақамини эслаб қолишга фаҳмим етди.

Бармен яқин келиб, беш долларлик қоғозни олди.

– Дуруст жувон, – деди у, – бутунлай пулга кўмилганга ўхшайди. Сиз билан бирор масалани келишди-ми?

Мен унга жавоб беришдан кўра нафратим қўзиди. Кафега бундан буён оёқ босмаслигимни яхши тушунган эдим.

Кўчанинг нариги бетида Палм-Сити транспорт бошқармаси жойлашган. У ерда мен яхши билган, бир пайтлар «Геральд» газетасида маҳаллий мухбирлик қилган йигит ишларди. Уни Эдд Маршалл деб аташарди. Мен йўлни кесиб ўтиб, бинога кирдим.

– Ё Худо, кимни кўряпман! – деб хитоб қилди Эдд қувониб. – Ишларинг қалай, Гарри?

Мен стол чеккасига ўтириб, унга сигарета таклиф қилдим.

– Мен энди чекмайман, – деди Эдд бош чайқаб. – Ўпка ракидан қўрқаман. Хўш, озодлик қандай бўларкан?

– Ёмон эмас. Ҳамма нарсага кўникиш мумкин, ҳатто сени турмадан қўйиб юборишганига ҳам.

Биз беш дақиқа гурунглашдик, сўнг амалий ишга ўтдик.

– Қулоқ сол, Эдд, малла рангдаги «Роллс-ройс» кимга тегишли эканлигини айта олмайсанми? Серияси МАХ, рақами 26-487.

– Сен жаноб Мерлоунинг машинасини назарда тутяпсанми?

– Бу унинг машинасини?

Шунда ҳаммаси менга равшан бўлди.

– Сен Феликс Мерлоу тўғрисида гапиряпсанми? – деб сўрадим бутунлай гангиб қолиб.

– Худди ўзи.

– У Палм-Ситидами? Менинг назаримда, Парижда яшарди.

– Жаноб Мерлоу бу ердан икки йил муқаддам уй сотиб олди. Даволаниш учун келган.

Мен юрагимнинг телбаларча қаттиқ ураётганини эшитдим. Ўзимни хотиржам тута олмасдим.

– Мерлоу мис ва кумуш қиролими? Ўшами? Дунёдаги энг бой-бадавлат одамлардан бири?

Маршалл маъқуллагандек бош ирғади.

– Худди ўзи. Аммо ҳар қанча пул эвазига ҳам унинг ўрнини ўзимники билан алмаштирмаган бўлардим.

– Нега?

Эдднинг афти бужмайди:

– Ўпка раки. Унга энди ҳеч нима ёрдам бермайди.

Мен сигаретага кўз қиримни ташлаб, беихтиёр уни кулдонга қўйдим.

– Ҳа, омади йўқ экан... Шундай қилиб Мерлоу бу ердан уй сотиб олдими?

– Ҳа. Берт Ланкастернинг Ист Жодаги уйини. Мерлоу уни қайта барпо қилди. Жуда ажойиб маскан – ўзининг кема тўхташ жойи, ўзининг пляжи, ўзининг бассейни бор. Ҳаммаси ўзиники.

Мен Берт Ланкастерни жуда яхши эслайман. Бадавлат нефть саноатчиси кўрфазнинг охирида ҳақиқий қаср қурган эди. Аммо касодга учради. Мен қамоққа тушиб қолгач, бу қасрни ким харид қилганини билолмай қолгандим.

Эшитганларимни обдон ўйлаб олиш мақсадида яна битта сигарета чекдим.

– Демак, «роллс» унга тегишли?

– Ҳа, камида ўнта машинаси бор...

– Рулдаги аёл ким бўлди унда? Сарик сочли, кўзойнак таққан?

– Мерлоу хоним бўлиши мумкин.

– Унинг хотиними? Жуда ёш кўринади-ку!.. Мен унинг ёшини ўттизларда деган бўлардим, катта эмас. Мерлоу ахир чол-ку! Мен у ҳақида ёшлигимдан эшитган эдим. Ёши элликларга бориб қолгандир?

– Ҳа, шунга яқин. У яна уйланган. Парижда. Геральда ана шу уйланиш билан боғлиқ жуда катта тўполон кўтарилган эди.

– Биринчи хотинига нима бўлган?

– Автомобиль ҳалокатида ўлган.

– Демак, Мерлоу бу ерда даволанади?

– Ҳа. Боз устига хотини ва қизи Калифорнияда яшашни яхши кўришади.

– Унинг қизи ҳам борми?

– Биринчи никоҳидан. Ўн тўққиз ёшда. У шундай ажойиб-ки! «Роллс-ройс»дан кўра шу қиз меники бўлишини афзал кўрардим.

– Оҳо! Мен сени басавлат, уйланган эркак деб ўйлагандим.

– Худди шундай, аммо Одетта Мерлоуни ўзинг бир кўрсанг эди.

Мен ўрнимдан турдим.

– Хўп, майли, мен кетишим керак.

– Агар сенга вақтинчалик иш керак бўлса... – талмовсираб гап бошлади Эдди, – биз транспорт оқимини ҳисобга олувчи кишиларни ёллаб, қабул қиляпмиз. Иш ҳақи ҳафтасига эллик доллар. Маъқулми?

Мен бош чайқадим.

– Эдд, мен бирмунча яхшироқ ишни топдим. Аммо шундай бўлсаям сенга раҳмат...

Уйга йўл олар эканман, Маршаллдан олган маълумотларни бирма-бир хаёлимдан ўтказдим. Улар мени ҳайрон қолдирди. Бир магнатнинг хотини мени ишга олмоқчи. Қалтис иш, деди у. Агар кўп пул берса, қалтис ишга ҳам розиман.

Ҳаёт кўзимга жуда гўзал кўринди.

Кейинги куни эрталаб «Геральд»га қараб йўл олдим.

Қабулхонада иккита ёшгина қиз навбатчилик қилишаётганди. Уларнинг биридан «Геральд»нинг икки йиллик тахламини беришини сўрадим.

Керакли маълумотларни дарров топдим. Феликс Мерлоу хотини ўлганидан кейин беш ой ўтгач, Рина Пассарига уйланган. Ўшанда Рина «Лида» кабаресида, Парижда манекенчи аёл бўлган. У билан танишган Мерлоу бир ҳафтадан сўнг қўлини сўраган, Рина эса бунини миннатдорлик ила қабул қилган.

Мен уйга қайтиб келдим ва қўнғироқни кута бошладим. Роппа-роса ўн бирда телефон жиринглади.

– Жаноб Барберми?

Унинг айна пайтдаги тиниқ овозини бошқа бирор кишиники билан адаштириш асло мумкин эмас эди.

– Биз кеча учрашгандик...

Мен зарба бериш вақти келди, деб қарор қилдим.

– Эсимда, Мерлоу хоним, Жонинг барида.

Жимлик чўкди. Назаримда унинг нафаси бўғзига тиқилгандай бўлди. Аммо бунга ишонмасдим. Эҳтимол, менга шундай туюлгандир.

– Сиз Ист Бичдаги чўмилишга мўлжалланган уйчаларни биласизми? – деб ниҳоят овози чиқди унинг.

– Ҳа.

– Ана шулардан бирини, охиридан чап томондагисини ижарага олинг. Мен у ерда кечқурун соат тўққизда бўламан.

– Яхши, Мерлоу хоним.

Мен гўшакни қўйиб, сигарета чекдим. Кайфиятим жуда кўтаринки эди – айна шундай вазиятлар мени ҳамиша қизиқтирарди. Қалтис ҳолат! Қизик, у мендан нима истайди ўзи?

Пляж хўжайини Билл Холден мени танир эди, шунинг учун хурсанд бўлди.

– Салом, жаноб Барбер! Сизни кўрганимдан хурсандман.

– Раҳмат, – мен унга қўлимни узатдим. – Сиздан уйча олмоқчи эдим. Охирида, чап томондагисини. Менга бугун кечқурун соат тўққизда жудаям керак. Ташлаб кета оласизми?

– Биз соат саккизда беркиламиз, жаноб Барбер. Аммо мен барибир сизни жойлаштираман. Бугун тунда одамларимдан ҳеч ким қолмайди, шунинг учун мен ҳам кетаман. Маъқулми?

– Жуда ажойиб. Калитни гиламча остига қолдиринг. Ҳақини эртага тўлайман.

– Сиз нима десангиз шу, жаноб Барбер.

Уйга қайтар эканман, йўл-йўлакай Нинага нима дейиш ҳақида ўйлардим. Ниҳоят Эдд Маршаллга таянишни маъқул кўрдим. Гўё у тунги ишни тавсия қилди, транспорт бошқармасига машиналар оқимини санаш учун одамлар керак экан, деб ёлғон тўқийман.

Нинанинг қанчалик қувонишини айтишга ҳам уялман.

Кеч соат саккиз яримда гараж томон йўл олдим. Бизнинг умрини яшаб ўтказган «паккард»имиз бўлиб, назаримда, у орқа «оёқ»ларини зўрға судраб босарди. Мен минг азобда уни ҳайдар эканман, биринчи қиладиган ишим янги машина олиш бўлади, деб қасам ичиб қўйдим. Мерлоу хоним яхшигина ҳақ тўласа, албатта.

Ист-Бичга соат тўққизгача етиб келдим. Пляж одамсиз ҳувиллаб ётарди. Келишувга мувофиқ, калит гилам остида эди.

Уйчада ётоқхона, меҳмонхона, ванна хонаси ва мўъжазгина ошхона бор экан. Керакли жиҳозлар –

вентилятор, телевизор, радио билан таъминланган. Хатто барни ҳам мўлжаллашган, унда дурустгина виски ва сода турарди.

Мен вентиляторни ишлатиб, эшикларни, сўнг деразани ҳам ланг очиб, енгил оромкурсилардан бирига ўтирдим ва хонимни кута бошладим. Атроф жимжит. Менгача фақат денгизнинг шовуллаши эшитилди. Бу аёлнинг нима хоҳлаши, хизматим учун қанча бериши, қалтис иш нимадан иборат эканлигини сабрсизлик билан билгим келарди.

– Хайрли оқшом, жаноб Барбер.

Мен кутилмаган бу ташрифдан ўзимни йўқотаёзим. Мерлоу хоним ёнимдаги оромкурсига бемалол ўтирди.

Унинг бошида ипак шарф бўлиб, юзини деярли беркитган эди. Эгнидаги қорамтир қизил кўйлак ниҳоятда ярашган. Мерлоу хонимнинг ўнг биллагини оғир билагузук безатиб турарди.

– Менга сиз ҳақингизда нимадир маълум. Ўнг минг пора олишни рад қилган кишининг асаблари темирдан бўлиши лозим. Менга айнан ана шундай одам керак эди.

Мен индамадим.

– Жаноб Барбер, сиз барда қалтис ҳаракат қилдингиз... Энг камида олти йил қамалиб кетардингиз.

– Мен ўлгудек маст эдим.

– Энди таваккал қилишга тайёرمىсиз?

– Ҳаммаси тўланадиган пулга боғлиқ. Менга соққа керак, яширмайман. Аммо пуллар жуда кўп бўлиши керак.

– Сизни эллик минг қониқтирадим?

Бу гапни эшитиб, тилимни йўқотаёзим.

– Эллик минг? Эллик минг дедингизми?

– Ҳа, агар менинг айтганимни қилсангиз, шунча пул сизники бўлади.

Мен чуқур нафас олдим. Эллик минг-а, бунча пулни эшитиб юрагим қаттиқ ура бошлади.

– Хўш, жаноб Барбер, сиз пул ишлашга тайёрми-сиз?

– Бунча пул учун мен ҳар қандай қалтис ишга шайман.

Эллик мингга Нина иккимиз Палм-Ситидан кетишимиз ва янги ҳаёт бошлашимиз мумкин бўлади, деб ўйладим мен.

– Аммо суҳбатни давом эттиришимиздан олдин, жаноб Барбер, – деди у, – сизни бохабар қилиб айтманки, бунча пул менда йўқ. Эрим берган арзимас чақага Одетта иккимиз яшашимиз керак экан, эрим шундай деб туриб олган. Албатта, тежаб ўрганган одамларга етарли бўлиши мумкин, аммо на ўгай қизим, на мен бу ҳисобга кирамиз.

– Аммо сизда пул бўлмаса...

– Мен уни қандай олишни сизга кўрсатиб бераман, – у кўзимга тик қаради.

Нигоҳларимиз тўқнашди.

– Хўш?

– Мен ва ўгай қизим учун тўрт юз эллик минг доллар пул топиш керак. Зудлик билан икки ҳафта давомида топиш шарт. Умид қиламанки, буни амалга оширадиган одам сиз бўласиз.

Мен Мерлоу хонимга диққат билан тикилдим. Йўқ, ҳаммаси жойида, бошқа аёл ҳам кўзга худди шундай дуппа-дуруст кўринган бўларди.

– Шундай қилиб, мен нима қилишим керак?

Мерлоу хоним қарталарни очишга шошилмади.

– Албатта, эрим бу пулларни ўзига ҳеч бир ташвиш орттирмай ҳам бериши мумкин, аммо, табиийки, у пуллар нега керак бўлишини сўрайди. Буни эса биз айта олмаймиз, – Мерлоу хоним оҳиста гапирди. – Хўш, кераксиз саволлардан қочиб, бу пулларга эга бўлишимиз учун ёрдам берасизми? Қурбингиз етадимми?

Менинг бор шавқ-завқим бирдан сўнди. Бу товламачиликнинг айнан ўзи, ахир! Сергак тортдим:

– Бу пулларнинг сизга нима кераги бор? Сизни қўрқитишяптими?

– Бунинг сизга алоқаси йўқ. Менда режалар бор. Уларни амалга ошириш учун сизнинг ёрдамингиз керак. Бу иш менга тобора ёқмай бораётганди.

– Келинг, аниқ гапга ўтайлик, у қандай режа экан?

– Ўгай қизимни ўғирлашади ва гаров тариқасида беш юз минг доллар сўрашади, – дея совуққон гапирди у. – Сиз шундан ўн фоизини оласиз, Одетта иккимиз қолганини тақсимлаймиз.

– Ким уни ўғирлайди?

– Ҳеч ким. Одетта шунчаки бирор томонга жўнайди. Сиз эса қайтариб олиш учун пул сўрайсиз. Бу жуда осон, аммо режа ниҳоятда пухта ишлаб чиқилиши керак.

Менинг томоғим қуриб қолди. Болаларни ўғирлаб, сўнг қайтариш эвасига пул талаб қилиш жиддий жиноят ҳисобланади. Бола ўғирлаганни электр курси билан жазолайдилар.

### УЧИНЧИ БЎЛИМ

– Болани ўғирлаш ўлим билан жазоланади, – дедим мен бироз қатъиятсиз равишда. – Сиз ҳаммасини пухта уйлаб чиқдингизми?

– Ахир ҳеч ким ўғирланмайди, – жавоб берди Мерлоу хоним сабр-тоқат билан, узун, чиройли оёқларини узатиб. – Айтайлик, бирор чигаллик чиқса, мен эримга бор ҳақиқатни айтиб бераман, ана шунда ҳаммаси барҳам топади.

Шу лаҳзада Мерлоу хоним сохта Эрон гиламини харидорга алдаб ўтказган сотувчи ҳақида эслатиб юборди.

Аммо эллик минг ҳаддан зиёд катта хўрак ҳисобланади. Агар бу ишни қўлимга олиб, ҳаммасини икир-чикиригача режалаштириб олсам, амалга оширишим мумкин, деб ўйладим.

– Эрингиз сиз билан Одеттани шунчаки койиб қўяди деб ўйлаяпсизми? Шу билан бу қилмиш барҳам

топади, демокчисиз-да? Эрингиз федерал қидирув бюроси агентларига нима дейди? Бу севимли хотинимнинг қилмиши, у беш юз минг доллар ишлаб олмоқчи эди, дейдими?

Орага узоқ сукут чўкди.

– Менга сизнинг гаплашиш услубингиз ёқмаяпти, жаноб Барбер. Сиз қўполлашиб кетяпсиз.

– Узр, аммо мен собиқ репортёрман. Жуда яхши биламанки, Феликс Мерлоунинг қизи ўғирланса, газета дунё бўйлаб шов-шув кўтаради. Балки иккинчи Линдберг иши рўй берар.

Мерлоу хоним оромкурсига ўзини ташлади.

– Сиз ошириб юборяпсиз. Мен эримнинг полицияга мурожаат қилишига асло йўл қўймайман, – унинг овози кескин чиқди. – Сизга кейинги режамни айтиб ўтай. Одетта ғойиб бўлади. Сиз эримга кўнғироқ қилиб, қиз ўғирланганини айтасиз. Севимли ота пул тўласа, уни қайтариш мумкинлиги ҳақида огоҳлантирасиз. Менинг эрим пулни, албатта, тўлайди. Сиз пулни оласиз, Одетта эса уйга қайтади. Мана, тамом-вассалом.

– Сиз ҳаммаси шундан иборат бўлади, холос, деб ўйлайсизми?

– Полиция бунга суқилмайди. Ишонинг, мен эримни шунга кўндираман.

Орага сукут чўкди. Мен сигарета қолдиғини қоронғилик қаърига ирғитдим ва дедим.

– Аммо сизни огоҳлантириб қўяй: агар федерал агентлар терговни бошлаб юборишса, бизнинг аҳволимиз ёмонлашади.

– Ё, Худо, чидай олмайман... Сиз мен кутган одам эмас экансиз... Биз шунчаки вақтни ўтказиб юборяпмиз...

«Сиз мен кутган одам эмас экансиз?» Нега ўшандаёқ бу ишга нуқта қўймадим? У қоронғилик қаърида шунчаки ғойиб бўларди, қандай келган бўлса, шу тарзда кўздан йўқоларди. Аммо мени эллик минг тўғрисидаги фикр тўхтовсиз таъқиб этарди. Ана шун-

да бирдан, агар полиция бошлиғи ўн минг эмас, эллик минг таклиф қилганида, уни олган бўлардим, деб ўйлаб қолдим. Бунча пул олдида менинг виждоним қарши тура олмасди, албатта.

– Менинг бурчим сизни огоҳлантиришдан иборат, – дея оҳиста тушунтирдим мен.

У жавоб берар экан, овозида қатъиятлилик аломатлари сезилди.

– Жаноб Мерлоу хаста. Ўлаётган одам қадрдон қизини қутқариш учун ҳеч нимани аямайди. Икки-уч йил аввал бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас эди. Энди эса вазият бошқача.

Мен бу аёл яхшиям хотиним эмаслиги учун Худога шукрлар қилдим.

– Хўш, сизга ҳаммаси тушунарлими? Шундай қилиб, бу ишни бажарасизми? – деб сўради Мерлоу хоним сабрсизланиб.

– Мен ўйлаб олишим керак.

У ўрнидан турди. Сумкачасини очиб, бир тахлам пул чиқарди-да, стол устига қўйди.

– Бу сизга, уйчага тўлаш ва бошқа харажатлар учун. Мен эртага қўнғироқ қиламан.

Мэрлоу хоним худди шарпа каби қоронғилик қўйнига товушсиз сингиб кетди.

Тахлам ўнта ўн долларлик пуллардан иборат эди. Мен ўйланиб қолдим. Бу қадам анчагина қалтис, албатта. Шунга қарамай, мен барибир... ўғриликка ёрдамлашишга аҳд қилдим. Аммо у менинг, фақат менинг шартларимга рози бўлиши керак.

Эртаси куни эрталаб мен яна пляжга етиб келдим. Билл Холденга уйча яна икки кунга керак бўлишини айтдим ва кута бошладим.

Роппа-роса соат ўн бирда телефон жиринглади. Мен гўшакни кўтардим:

– Барбер эштади.

– Ҳами ёки йўқми? – ҳеч қандай тортинмай, дангал сўради Мерлоу хоним.

– Ҳа, – мен бироз жим турдим. – Аммо айрим

шартлар билан. Сиз билан Одеттани кечқурун соат тўққизда кутаман – гаплашиб олишимиз керак.

Унинг мулоҳаза юритишига фурсат бермасдан гўшакни жойига қўйдим. Шу билан ташаббус ўз қўлимга ўтганини кўрсатиб қўйдим.

Яна телефон жиринглади, аммо мен гўшакни кўтармадим. Уйчадан чиқиб эшикни ёпдим.

\*\*\*

Ўтган тунда Рина Мерлоунинг таклифи ҳақида узоқ ўйладим ва режа туздим. Рина ва унинг ўғай қизи мени тешик тоғора олдида қолдириб кетмаслиги учун кафолат керак. Шу боис, ўзаро бўлиб ўтадиган суҳбатни магнит тасмасига ёзиб олишга қарор қилдим. Гарчанд Рина эри полицияга мурожаат қилмаслигига мени ишонтиришга уринса-да, мазкур тасма қиз ўғирлаш билан боғлиқ ғоя мендан чиқмаганини исботлар эди.

Диктофонни ҳожатхонага ўрнатдим. Гарчи у шовқинсиз ишласа-да, меҳмонхонада пайқаб қолишлари мумкин эди. Ҳожатхона эшигини тешишга тўғри келди, ўша тўйнуқдан сим ўтказиб, меҳмонхона бўлмасига келтириб қўйдим ва ўчиргич очқичига уладим. Уйга кириб, чироқни ёқсам, диктофон бирдан ишлаб кетарди.

Микрофонни қаерда ўрнатиш кераклигини анча вақт билмай турдим. Ниҳоят уни бурчақда турган столча тагига яширдим.

Бу ишлар анча кўп вақтни олди. Соат еттида мен бу қурилмани синаб кўрдим ва микрофон хонанинг исталган бурчагидан овозни ёзиб олишига ишонч ҳосил қилдим.

Қоронғи тушди. Пляж бўшаб қолди. Айвон жуда иссиқ ва дим эди, аммо мен бўйинбоғимни тузатиб қўйиб, енгил оромкурсига чўқдим.

Кўп ўтмай, қандайдир шитирлаш эшитилди – айвон зинапояларидан Рина Мерлоу кўтарилиб келди. У ёлғиз ўзи эди.

– Хайрли кеч, жаноб Барбер, – деди у оромкурсига ўтиришга ҳозирланиб.

– Келинг, ичкарига кирайлик. Бизни биргаликда кўрмасликлари керак, – дедим мен.

Мен эшикни очиб, чироқни ёқдим.

– Қани ўгай қизингиз?

Мерлоу хоним ортимдан меҳмонхонага кирди ва эшикни ёпди.

– Одетта ҳадемай келади, – деди у бепарво оҳангда, оромкурсилардан бирига ўтирар экан.

– Мен у билан гаплашиб олмасдан туриб, бирор-таям ишга қўлимни урмайман. Аниқ билишим керак, Мерлоу хоним, ўгай қизингиз ўғирланишига розими, йўқми?

Рина менга ҳайрон бўлиб қаради:

– Албатта, рози. Бунга шубҳаланмасангиз ҳам бўлади.

– Мен бу гапни Одеттанинг ўзидан эшитишим керак, – оромкурсига яхшилаб жойлашиб ўтириб, диктофон учун гапимни давом эттирдим: – Менинг талабим мутлақо асосли. Режага мувофиқ, Одеттага жабр-дийда, ўғирланадиган қиз роли топширилади. Сизга тўрт юз эллик минг доллар керак. Сиз уни ўғирлаб, топиб бериш эвазига эрингиздан пул олмоқчисиз. Менинг ёрдамим учун эса эллик минг доллар ваъда қилинган. Аммо ўғирлаш – жуда жиддий жиноят, шунинг учун ўгай қизингиз ўзини нима кутаётганини билиб, бунга мутлақо тайёр бўлиши, мен эса ишонч ҳосил қилишим керак.

Рина аччиқланди:

– Сизни ишонтириб айтаман – у билади ҳаммасини... Одетта ёш бола эмас...

– Агар борди-ю, эрингиз полицияга мурожаат қилса, кейин нима бўлади?

– Жаноб Барбер, – Рина додлаб юбориш даражасига келиб қолганди, – сизнинг ноёб истеъдодингиз бор экан, вақтни бекор ўтказаверар экансиз. Биз ахир буларни муҳокама қилдик-ку!

Мен хотиржам тортдим. Энди мабодо бирор бўлмағур иш рўй берса, у суддан ўзини олиб қоча олмайди.

Қадам товушлари эшитилди. Мен эшикка яқин бориб уни очдим. Остонада мафтункор бир ҳурлиқо турарди.

– Салом, – Одетта Мерлоу ноз-ишва билан жилмайди. Эгнида оқ свитер ва йўлбарс териси рангида жинси шим. Пешанадан тўғри таралган қора сочлари елкасига ёйилиб тушган. Унинг оппоқ нозик териси гўё қоронғиликни ёритиб юборгандек бўлди. Каттакатта мовий кўзлари ва хийла кўтарилган бурни ўртача, аммо бичими келишган бу қизнинг қиёфасини поёнига етказган эди. Ҳар жиҳатдан олганда, у бепарво, тап тортмас, ҳеч нимага мутлақо ишонмайдиган қизлар тоифасига мансуб эди гўё.

– Мерлоу хониммисиз?

– Киравер, Одетта! – бетоқат ҳолда чорлади Рина.

Қиз бурнини жийириб қўйди-ю, ичкарига кирди. Эшикни ёпдим. Мени диктофон безовта қилаётганди. Тасма фақат қирқ дақиқага етади. Сухбатни тўлиқ ёзиб олмоқчи бўлсам, тезроқ шошилишим керак.

– Салом, муҳтарама Рина, – Одетта ён томондаги енгил оромкурсига ўзини таппа ташлади. – Ажойиб йигит экан-а?

– Жим турсанг-чи, илтимос, – деди Рина. – Ўтириб эшитгин. Жаноб Барбер сен билан гаплашмоқчи.

Одетта менга кўзларини тикди ва оромкурсида оёқларини чалиштириб ўтирди.

– Марҳамат, қулоғим сизда, жаноб Барбер.

Унинг овоз оҳанги мени алдамади. Қизнинг кўзлари қандайдир ташвишли ва мўлтираган, илтижоли тарзда менга қараб қолди. Одетта қандайдир аҳмоқона ишга бош қўшганини ҳис қилгандек, аммо уни ўзгартиришга феъл-атвори йўл бермаётганди.

– Мен шахсан ўзингиздан сўрамоқчи эдим – сиз ўғирланиш билан боғлиқ режага розимисиз?

Қиз Ринага қараган нигоҳини менга кўчирди.

– Розиман? – у хуштак чалиб юборди. – Ҳа, режа жуда ажойиб. Албатта, розиман-да. Рина ва мен бундан анчадан бери ўйлаб юрардик. Жуда ажойиб фикр, шундай эмасми?

– Сиз яхшилаб ўйладингизми? – деб унинг кўзларига қарадим. – Отангиз бунга рози бўлмаса керак.

– Бунинг сизга дахли йўқ, – гапимни бўлди Рина. – Агар келишув сизни ниҳоят қониқтирган бўлса, келинг, қолганини муҳокама қилайлик.

– Яхши, – рози бўлдим мен. – Масалан, Мерлоу хоним қаерга ғойиб бўлади?

– Мени Одетта деб атайверинг, – қиз мен томонга сурилди. – Дўстларим...

Рина унга мутлақо эътибор қилмай менинг саволимга жавоб берди:

– Кармелда кичик сокин меҳмонхона бор...

– Сизга ғойиб бўлиш осон кечадими? – деб сўрадим мен Одеттадан. – Ахир қанчадан-қанча дўстларингиз ва хизматчилар бор...

У елкаларини қисиб қўйди:

– Мен ҳаммаша қаергадир ғойиб бўламан.

Ринага қарадим.

– Биласизми, агар сиз менинг қизимни ўғирлаб, ярим миллион доллар эвазига уни қайтарсангиз, унчалик шошилмасдим... Режангиз пухта ўйлаб чиқилган. Агар мен эрингиз бўлганимда борми, буларнинг ҳаммасини дуранг билан тугайдиган ўйин, деб ҳисоблардим. Ва полицияга мурожаат қилардим.

– Ҳаммаси сизнинг телефонда қанчалик ишончли гапиришингизга боғлиқ, – деди Рина. – Айнан ана шунинг учун сизга эллик минг доллар тўлайман.

– Мен ишонарли гапираман, аммо сизга тааллуқли бўлган... Борди-ю, полиция барибир... Ана шунда сиз ишни охиригача олиб борасизми?

– Биз охиригача борамиз, – деб гапимни бўлди Одетта. – Бизга пул керак.

– Ҳа, – тасдиқлади Рина. – Бизга пул керак. Аммо

полиция, буни сизга юз марталаб такрорлаяпман, ҳеч нимани билмайди.

– Барибир ҳаммасини қайтадан кўриб чиқиш керак. Эрингиз гаровни тўлайди, аммо Одетта қайтганидан сўнг у полицияга мурожаат қилса-чи? Ҳаётга ҳаммасига ўз ақли билан эришган киши буни шунчаки осон ўтказишига ишонмайман. Борди-ю, у пулларнинг ҳаммасини белгилаб чиқса-чи?

– Бундай бўлмайди, мен ўзим кузатиб тураман, – деди қатъий қилиб Рина.

– Барибир кафолат қани?

– Эрим менинг айтганимни қилади, – совуқ ва тунд қиёфада жавоб берди Рина.

Шу сўзларни айтар экан, менинг елкамда совуқ нимадир ўрмалагандек бўлди. Нигоҳимни Одеттага қаратдим – у менга хотиржам ва бироз кулимсираб қараб ўтирарди.

– Бугун сешанба, – деб мурожаат қилдим Одеттага. – Биз барчасини шанба кунига тайёрлашимиз керак. Дугонангиз борми? У билан келишиб, шанба кун кечқурун биргаликда кинога боринг. Тушундингизми?

У бош ирғаб қўйди, аммо кўзларида ҳайрат акс этди.

– Сиз уйингизда тушлик қиласиз ва отангизга қаерга кетаётганингизни айтасиз. Сизда қандайдир ёрқин, эсда қоладиган нимадир бўлиши керак. Дугонангиз билан соат саккизда учрашишга келишасиз, аммо... унинг ўрнига Пайретс Кебинга кетасиз. Бу ердан бир неча миля нарида жойлашган. Қаерда эканлигини биларсиз балки?

У яна бош ирғади.

– Шундай қилиб, сиз машинани тўхташ жойига қолдирасиз ва барга кирасиз. Бу вақтда одам тўла бўлади. Омадингиз келади, деб ўйламайман, чунки сизга бирорта дўстингиз дуч келмаслиги мумкин. Хўш?

– Дўстларим бундай жойларда юришмайди.

– Мен ҳам шуни назарда тутяпман. Диққатни қаратишга тўғри келади. Қадаҳни тўкиб юборинг ёки бошқа нимадир қилинг. Беш дақиқадан сўнг у ердан чиқиб кетасиз. Қаранг, орқангиздан ҳеч ким илашмасин. Менинг машинам тўхташ жойида бўлади. Ортингиздан ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгандан кейингина автомобилимга ўтирасиз. Шундан сўнг кийиниб оласиз ва бошингизга малла ясама соч тақасиз.

Одетта бош ирғаб ўтирарди.

– Сиз кийиниб олгунча мен машинангизга ўтирман ва автомобиллар тўхташ жойига бораман. Сиз изимдан юрасиз. Автомобилингизни тўхташ жойида қолдираман. Сўнг ўзимнинг машинамга ўтириб, сизни аэропортга элтаман. Лос-Анжелесгача чипта сотиб олиб бераман, у ердаги меҳмонхонадан хона банд қиламан. Сиз кичик навбатчи ходимга ўзингизни нохуш ҳис этаётганингизни айтасиз ва бутун вақт давомида хонада бўламан, деб тайинлайсиз, ҳатто ўша ерда тушлик қиласиз. Мен сизга қўнғироқ қиламан. Ҳозирча тушунарлими?

Одетта бўялган тирноқларига ортиқча қарамай қўйди, у қизиқиб, ниҳоятда берилиб эшитди.

– Бу спектакль умуман шарт эмас, – деб эътироз билдирди Рина. – Агар у Кармелдаги меҳмонхонага борса...

– Сизга пул керакми ёки йўқми ўзи, жин урсин? – ҳайқириб юбордим мен.

– Мен, ахир, керак деб айтдим-ку, – деб жеркиб берди Рина.

– Ундай бўлса, сизга нима дейилса, шуни қилинг, акс ҳолда ўша пулларни ололмайсиз.

– Бу йигит жудаям ажойиб, – деб кулимсиради Одетта. – Мен сиз нима десангиз, ҳаммасини бажараман, Гарри... Сизни Гарри деб атасам майлими?..

– Мени нима деб атасангиз атайверинг, фақат сизга нима маслаҳат берилса, шуни қилсангиз кифоя, – мен Ринага ўгирилдим. – Одетта самолётда бўлган

вақтда мен эрингизга қўнғироқ қиламан. Аммо эрингиз билан боғланишнинг имконияти бўладими?

– Телефонни унинг котиби олади. Сиз жаноб Берлоу билан қизи ҳақида гапирмоқчи эканингизни айтасиз. Котиб унга хабар қилади. Мен кўз-қулоқ бўлиб тураман ва Феликсни сиз билан гаплаштиришга ҳаракат қиламан.

– Бу бемаҳалда, яъни кечаси бўлгани маъқул. Умид қиламанки, Одеттанинг дугонаси телефон қилиб, унинг қаерга кетганини сўрайди, – мен Одеттага қарадим. – Нима деб ўйлайсиз, у сизга қўнғироқ қиладими?

– Бўлмасам-чи, албатта...

– Қўнғироқ қилиши шарт, жуда зарур, бу муҳим асос бўлади. Шундан сўнг мен қўнғироқ қилганимда, сизни аллақачон излашаётган бўлишади.

– У қўнғироқ қилади, – ишонч билан такрорлади Одетта.

– О'кей. Мен жаноб Мерлоуга пулни икки кун ичида тайёрлаш кераклигини тайинлайман ва кейинги топшириқларни кутишини айтаман. Сиз эрингизни бошқа чорани қўлламасликка кўндирасиз.

– Буни зиммамга оламан.

– Уддалайсиз деган умиддаман. Орадан икки кун ўтказиб, яна қўнғироқ қиламан. Эрингиз пулни ўзи келтира оладими?

– У пулни ҳеч кимга ишонмайди.

– Сизга ҳам ишонмайдими? – ҳайрон бўлдим мен.

Одетта ҳиҳилаб кулди, оғзини кафти билан беркитди. Аммо Рина кулишдан бери эди, унинг кўзи қисилиб, юзи тошдай бўзарди.

– Менга ишонади, албатта, – деб талмовсиради, – аммо буни... хавфли деб ҳисоблайди.

– Мен эрингизга тунги соат иккида қўнғироқ қилиб, Ист Бич Роуд яқинига бориши кераклигини айтаман. У «роллс»да бўлиши лозим. Катта йўлнинг кимсасиз қисмида чўнтак фонарининг ёруғлигини кўриши керак. Ана шу ерда у пул солинган портфелни ташлаб

кетишига тўғри келади. Худди шу вақтда Одетта қайтади. Бу ёққа келиб, мени кутади. Мен пулнинг ўзимга тегишли қисмини оламан, қолганини эса унга бераман...

– Э, йўқ, – деб гапимни кескин бўлди Рина, – мен бунга рози эмасман. Сиз пулларни менга берасиз.

Одетта сакраб ўрнидан турди, юзида ўжар бир ифода пайдо бўлди.

– Нега менга эмас экан?

– Мен сенга бир центни ҳам ишонмайман, – дея қичқирди Рина кўзлари ёниб. – У пулларни менга беради.

– Ўзи сенга ниманиям ишониб бўлади, ҳеч тасаввур қилипсанми? – ғазабланиб сўради Одетта. – Пулга панжангни шундай урганинга...

– Бўлди, бўлди, етар, – дедим мен ўзимни тўхта олмай. – Биз вақтни кетказяпмиз. Бунинг оддий йўли бор. Одетта отасига ёзади. Бу мени кўнғироқ қилишдан қутқаради, қолаверса, анча ишончли ҳам бўлади. Майли, жаноб Мерлоу шундан кейин гаров пулини элтиб бергач, автомобиллар тўхташ жойига кетаверсин. Одетта гўё уни ўша ерда кутаётган бўлади. Ярим соатлик йўл давомида икковингиз ҳам бу ерда бўлиб, пулни олиш имкониятини қўлга киритасиз. Хўш, розимисизлар?

– Аммо отам мени машиналар тўхташ жойида топа олмаса, полицияга мурожаат қилиши мумкин, – деди Одетта.

Унинг бутун оқшом давомида айтган биринчи ақлли гапи шу бўлди.

– Тўғри. Демак, биз хатда уни автомобиллар тўхташ жойида битта мактуб кутиб турганини ёзамиз. Ана шундан Одетта тўғридан-тўғри уйга қайтиш кераклигини билиб олади. Маъқулми?

– Рина менга синовчан тикилди.

– Агар пулни иккимизга берсангиз, ҳаммасига розиман.

– Мен Одеттага мурожаат қилдим:

– Энди жавоб беринг, сиз билан нима рўй берди? Нега дугонангиз билан кинога бормадингиз? Нима учун тўсатдан Пайретс Кебинга борадиган бўлиб қолдингиз? Сизни ким ўғирлаб кетди?

У кўзларини катта-катта очди.

– Билмадим. Аммо нега сиз буни мендан сўраяпсиз?

– Ахир буларни отангиз сиздан сўрайди-да! Қасам ичаман, сиз қайтгандан сўнг у албатта полицияга мурожаат қилади ва улар ҳам сизни сўроққа тутишади. Агар полициядагилар алдаяпти, деб шубҳаланишса, сизни мутлақо тинч қўйишмайди, бор гапни айтиб бермагунингизча ҳоли-жонингизга қўйишмайди.

У қизариб кетди ва саросима ичида ўгай онасига қаради.

– Аммо полиция мени сўроққа тутмайди. Рина шундай деган менга.

– Кечирасиз, агар мен полицияни назарда тутмаганимда, сиз тўлайдиган пулга яраша етарли иш қилмаган бўлардим. Бизда полицияга айтиб бериш учун гап тап-тайёр туриши керак, бу энг охириги вазиятда жуда зарур. Мен нима дейишингиз кераклигини мўлжаллаб қўяман. Одетта, эртага оқшом бу ерга келолмайсизми, биз ҳаммасини хотиржам муҳокама қилиб олардик? Агар пулга эга бўламан, десангиз, меҳнат қилишга тўғри келади.

– Бу шарт эмас, – деди Рина. – Менинг ҳадеб сизга уқтиришдан ҳоли-жоним қолмади – эрим полицияга мурожаат қилмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам.

– Мен эса такрорлайман, фақат ўзимнинг шартларимга мувофиқ ишлайман.

– О, мен эртага келаман, – мулойим кулди Одетта.

– Яна бир масала қолибди, – дедим мен Ринага.

– Сиз унга кийим олиб беришингиз керак. Бирорта арзон дўкондан яхшироқ, масалан, коллеж битирувчисининг либосини олиб берсангиз бўлади. Ҳа, дарвоқе, бир гапни унутибман: ясама сочи олишда жуда эҳтиёт бўлинг. Бунинг учун, яхшиси, Дейтонга

боришингиз керак. Уни барда кўришади, аммо кейин ҳеч қандай из...

Рина елкаларини қисди:

– Агар сиз буларни шунчалик зарур деб ҳисобласангиз...

– Эртага ўзингиз билан кийим ва ясама соч олиб келинг, – дедим Одеттага. – Энди эса хайр.

Мен уларнинг кетганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, ётоққа ўтиб, диктофонни ўчирдим.

## ТҲРТИНЧИ БЎЛИМ

Кейинги оқшом Одетта соат ўн бўлмаи келди. Мен уни остонада кутиб ўтиргандим.

Унинг либоси оддий: ўзига ярашиқли кўйлак. Ўнг кўлида ўртача катталиқдаги жомадонча кўтариб олган.

– Салом, Гарри, – деди Одетта, – мана, мен келдим.

– Мерлоу хоним келмайдими?

У менга ажабланиб қаради ва кулимсиради:

– Сиз Ринани таклиф қилмадингизми? Нима бўлганда ҳам у келмайди.

Биз уйчага кирдик. Мен чироқни ёққан захоти диктофон ишга тушиб ёза бошлади.

Куним ташвиш билан ўтди. Одетта учун керак бўлган мактубни қоғозга туширдим. Кейин эса кеча диктофонда ёзилган тасмани эшитдим – маъқул бўлди. Тасмани хатжилдга солдим-у, ўзимнинг банкимга жўнадим ва уни пўлат сандиққа жойладим.

Эллик минг долларни қўлга киритишимга тўлиқ ишонч ҳосил қилдим. Борди-ю, қандайдир кутилмаган воқеа рўй берганида ҳам мени суд қилишмайди. Агар мен билан бирга Рина ва Одеттани айблашга тўғри келиб қолса, Мерлоу хотини ва қизини асло судга бермайди.

– Ўтиринг, – дедим мен. – Вақт кеч бўлди, муҳокама қиладиган масалалар эса жуда кўп.

– Назаримда, Рина сизни бу ишга жуда моҳирона жалб қилди ва бизга ёрдам беришдан бошқа чорангиз қолмади, – дея кулимсиради Одетта. – Аммо, тўғриси, ундан сиз ақллироққа ўхшайсиз.

Мен ҳайратга тушдим:

– У мени ҳеч нарсага жалб қилгани йўқ, нималар деяпсиз?

– Рина бир неча кун барда сизни кузатди ва шундан кейин илинтиришга қарор қилди. Бу борада унга газетадаги расмингиз ва қамокдан жавоб беришгани ҳақидаги хабар ҳам қўл келди. Ринанинг пулни олишингизга ишончи комил эди. Мен эса олмайди дегандим ва ўн доллар ютқаздим.

Мен ўзимни йўқотганча унга қараб ўтирар, чекка томирларимга қон тепганини ҳис қилардим.

– Ўшанда... мен... мен ниҳоятда маст эдим, – дедим, аммо Одеттанинг кўзига қарашга уялдим. Ринанинг сумкани жўрттага қолдириб чиққани ҳақидаги янгилик мени карахт қилиб қўйди.

Одетта елкаларини қисди:

– Албатта... Мен бу гапни ким билан иш тутаетганингизни билишингиз учун айтяпман. Рина – илон, унга ишониб бўлмайди.

– Лекин шунча пул нега сизларга керак бўлиб қолди?

– Бу билан ишингиз бўлмасин. Энди менга нима қилишим кераклигини айтинг.

– Сиз шанба учрашувини келишдингизми?

– Ҳа. Мен Мовис Шен билан «Капитолий»га бораман. Соат ўнда кинотеатрнинг кириш эшиги олдида учрашишга келишдик.

– Сизнинг доимий эмас, шунчаки, баъзи-баъзида учрашиб турадиган ўртоғингиз борми?

У бироз ўйланиб қолди.

– Ҳа, бор. Бундай ўртоқларим анчагина...

– Бирортасини айтинг, ҳеч бўлмаса.

– Масалан. Жерри Уильямс...

– У бирор марта уйингизга қўнғироқ қилганми?

- Ҳа.
- Телефон гўшагини ким кўтаради?
- Себли, хизматкор.
- У Уильямснинг овозини танийдими?
- Билмадим. Жерри менга анчадан бери кўнғироқ қилмайди.

- Унда гап бундай... Сиз отангизга дугонангиз билан кинога боришингизни айтасиз. Соат саккиздан ўн беш дақиқа ўтганда, мен сим қоқиб, сизни телефонга чақиришларини сўрайман. Хизматкорга ўзимни Жерри Уильямс деб таништираман. Буни полиция суриштириши мумкинлигини ўйлаб, ҳар эҳтимолга қарши тайёрлаб қўямиз. Мен телефонда дугонангизни кўриб қолганим ва биз кўпчилик бўлиб Пайретс Кебинга боришга келишганимизни айтаман. Бизга қўшилишингни истаймиз, дейман. Сиз ҳайрон бўлиб қоласиз, аммо кўнасиз. Аммо қаерга бораётганингни ҳеч кимга айтмайсиз, чунки отангиз бундай юришларни маъқулламаслигини биласиз. Сиз у ерга борасиз, аммо дўстларингизни топа олмайсиз ҳамда ортга қайтишга қарор қиласиз. Аммо машинага яқинлашганда, устингизга адёл ёпиб, автомобилга судраб киритишади. Хўш, тушунарлими?

- Наҳотки бу шунчалик жиддий...

- Агар полиция ишга киришса, ҳаммадан бурун Уильямс билан гаплашишга ҳаракат қилади. У эса қасам ичиб, сизга кўнғироқ қилмаганини айтиб, тавалло қилади. Шунда улар бу иш одам ўғирлаш мақсадида ўйлаб топилгани, сизни Пайретс Кебинга олиб кетиш мақсадида уюштирилганини англаб етадилар. Полицияда нима учун Уильямснинг овозини танимаганингиз билан ҳам қизиқишади. Сиз, баланд мусиқа овози халақит берди, ёмон эшитилди, деб айтишингиз керак. Ҳатто Уильямс кўнғироқ қилаётганини ҳам пайқамаган бўлиб чиқасиз.

- Полиция бу ишга аралашади, деб ўйлайсизми?
- Билмадим, аммо барибир ҳисобга олиб қўйиш керак. Энди эса фикрларингизни бир жойга жамлаб,

полицияга нима дейишингиз кераклигини хаёлингиздан ўтказинг. Машинада аделга ўрангансиз, сизни маҳкам ушлаб боришмоқда. Италиянча лаҳжада гапирадиган эркак сизни огоҳлантирган, агар овозингизни чиқарсангиз, ёмон бўлишини айтган. Билдингизми, машинада уч киши бўлади. Улар очиқ-ойдин гапиришади, яширинишмайди. Мен сиз эшитадиган суҳбатни ёзиб қўйганман. Уни ёдлаб олишингизга тўғри келади.

Одетта диққат билан эшитарди.

– Машина кескин бурилади, шунда сиз асосий йўлдан қайрилганини англайсиз. Ниҳоят машина икки соат юргач тўхтади. Сиз кучукнинг хургани ва очилаётган дарвозанинг жарангини эшитасиз. Машина бироз олдинга силжиб, кейин тўхтади. Тафсилотларни эслаб қолинг.

Одеттанинг кўзларида ҳайрат акс этди.

– Мени нега бу ерга чақирганингизни энди тушундим. Агар полицияда ҳеч нимани билишмаса ҳам отам барибир икир-чикиригача сўраб олади. У жуда синчков одам.

– Сизни уч сутка қамаб қўйишади. Полиция, албатта, хонанинг кўринишини тасвирлаб беришингизни сўрайди, сиз эса уларнинг айтганини ҳеч қандай иккиланмасдан бажаришингиз керак. Сизгача итнинг вовуллаши, сигирлар «мў-мў»си, хўрозлар қичқириғи эшитилиши керак. Қандайдир фермада турибман деб ўйлайсиз. Олдингизга ўғрилардан бирининг хотини келиб, сизга қарашади. Унинг кўринишини ҳам эринмай ёдлаб олишингиз керак. Агар полиция сизни сўроқ қиладиган бўлса, ишонч билан айтиб берасиз. Сўзларингиз бир-бирига тўғри келмаслигидан эҳтиёт бўлинг.

У гапларимни қизиқиш ҳамда диққат билан эшитди.

– Ҳаракат қиламан.

– Хонангиз ёнида пардозхона жойлашган. У – сиз тушиб қолишингиз мумкин бўлган тузоқлардан бири.